



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТЎЛОВ
БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ**

2018 йил учун

**2019 йил, март
Тошкент шаҳри**

КИРИШ

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси Департаменти томонидан тайёрланган. Нашрда 2018 йил учун тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси, шунингдек, 2018 йил учун ташқи қарзи бўйича маълумотлар баён этилади, улар Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланманинг олтинчи нашрига мувофиқ тайёрланган (ТБҚ 6. ХВФ, 2009 й.).

Маълумотларни таҳлил қилиш ва улардан прогнозлашда фойдаланиш мақсадида ТБҚ 6 методологиясига мувофиқ 2016-2017 йиллар учун тўлов баланси шакллантирилди. Асосий компонентлар бўйича маълумотлар вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан олинди. Салмоғи нисбатан камроқ бўлган компонентлар иқтисодиёт ҳолатининг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб ретроспектив равишда баҳоланди.

Солиштирма таҳлилни баён этишда айрим нисбий кўрсаткичлар, шунингдек кузатилаётган ўзгаришлар бўйича экспертлик фикрлари умумиқтисодий ҳолатнинг ривожланиш контекстида уларни тушунишни осонлаштириш мақсадида келтирилмоқда. Тўлов баланси бўйича методологик изоҳ ҳамда маълумотларнинг манбалари ва тузилиши бўйича тушунтиришлар ушбу нашрнинг бошида алоҳида бўлимда келтирилди.

Илгари эълон қилинган тарихий қаторлар ҳисоб юритишнинг методологияси ўзгарганда ва қўшимча маълумотлар олинганда тўғриланади. Бунда, резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги операциялар бўйича ҳисоботлар, хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этган ахборот, аниқланган статистик фарқлар ва ташқи савдо маълумотларига аниқлик киритилиши илгари эълон қилинган тарихий қаторларни қайта кўриб чиқишнинг манбалари ҳисобланади.

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2019 йилнинг 31 марти ҳолатига кўра долзарб ҳисобланади.

Ушбу шарҳда келтирилган жадваллардаги маълумотлар яхлитлангани сабабли якуний рақам ва қўшилувчиларнинг йиғиндиси ўртасида жузъий фарқ бўлиши мумкин.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция ҳамда жами ташқи қарз бўйича таҳлилий кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> манзилидаги веб-сайтида

жойлаштирилган. Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позициянинг таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллари <http://data.imf.org/> манзили орқали ҳам тақдим қилинмоқда.

Нашрга тааллуқли масала ва таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига қуйидаги телефон рақамлари ёки электрон почта манзиллари орқали муурожаат қилиш лозим:

(+998) 71 212-60-38

abdurakhmanov.d@cbu.uz

Д.М. Абдурахманов

Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти директори

(+998) 71 212-60-76

r.mirzaahmedov@cbu.uz

Р.М. Мирзаахмедов

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи

(+998) 71 212-60-42

j.isakov@cbu.uz

Ж.У. Исаков

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Савол ва таклифлар шунингдек val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

Нашр чораклик асосда, ҳисобот чорагидан кейинги чоракнинг охирида амалга оширилади ҳамда ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилади.

Марказий банк 2016-2018 йиллар учун тўлов баланси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзини тузиш учун маълумотларни тақдим этишда ҳамкорлик қилгани учун вазирликлар, идора ва ташкилотларга **ўз миннатдорчилигини билдиради** ҳамда кейинги самарали ҳамкорликка умид қилиб қолади.

МУНДАРИЖА

МЕТОДОЛОГИК ИЗОҲ.....	6
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ	12
Жорий операциялар ҳисоби	15
Товарлар.....	17
Хизматлар	19
Бирламчи даромадлар.....	20
Иккиламчи даромадлар	21
Капитал билан боғлиқ операциялар ҳисоби	22
Молиявий ҳисоб	23
Тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар	24
Бошқа инвестициялар	25
II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ.....	28
Давлат бошқаруви сектори	29
Банк сектори	29
Бошқа секторлар	30
III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ҚАРЗИ.....	33
2016 йил учун тўлов баланси	37
2017 йил учун тўлов баланси	39
2018 йил учун тўлов баланси	41
2016 йил учун халқаро инвестицион позиция.....	43
2017 йил учун халқаро инвестицион позиция.....	45
2018 йил учун халқаро инвестицион позиция.....	47
2016 йил учун ташқи савдо айланмаси	49
2017 йил учун ташқи савдо айланмаси	50
2018 йил учун ташқи савдо айланмаси	51
2016-2018 йиллар учун товарлар экспорти ва импорти тузилмаси	52
2016 йил учун товарлар экспорти ва импорти тузилмаси.....	54
2017 йил учун товарлар экспорти ва импорти тузилмаси.....	56
2018 йил учун товарлар экспорти ва импорти тузилмаси.....	58
2016 йилда юқори коэффицентли товар концентрацияси билан экспорт қилинган товарлар	60
2017 йилда юқори коэффицентли товар концентрацияси билан экспорт қилинган товарлар	62
2018 йилда юқори коэффицентли товар концентрацияси билан экспорт қилинган товарлар	64
2016 йилда юқори коэффицентли товар концентрацияси билан импорт қилинган товарлар	66
2017 йилда юқори коэффицентли товар концентрацияси билан импорт қилинган товарлар	68
2018 йилда юқори коэффицентли товар концентрацияси билан импорт қилинган товарлар	70
2016 йилда товарлар билан савдонинг жўғрофий тузилмаси.....	72

2017 йилда товарлар билан савдонинг жўғрофий тузилмаси.....	76
2018 йилда товарлар билан савдонинг жўғрофий тузилмаси.....	80
2016 йил учун кенгайтирилган тавсифнома бўйича халқаро хизматларнинг баланси.....	84
2017 йил учун кенгайтирилган тавсифнома бўйича халқаро хизматларнинг баланси.....	87
2018 йил учун кенгайтирилган тавсифнома бўйича халқаро хизматларнинг баланси.....	90
2016 йил учун шахсий трансфертлар	93
2017 йил учун шахсий трансфертлар	94
2018 йил учун шахсий трансфертлар	95
2016-2018 йиллар учун бирламчи даромадлар баланси	96
2016-2018 йиллар учун иккиламчи даромадлар баланси	97
2016 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар келиб тушиши ва репатриацияси ..	98
2017 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар келиб тушиши ва репатриацияси ..	99
2018 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар келиб тушиши ва репатриацияси	100
2016-2018 йиллар учун халқаро инвестицион позиция.....	101
2016-2018 йиллар учун давлат бошқарув секторининг халқаро инвестицион позицияси	102
2016-2018 йиллар учун банк секторининг халқаро инвестицион позицияси ...	103
2016-2018 йиллар учун бошқа секторларнинг халқаро инвестицион позицияси	104
2018 йил учун хусусий ташқи қарз бўйича тушумлар ва тўловлар тўғрисидаги ахборот.....	105
Асосий қарз ва фоизлар бўйича бўлажак тўловларнинг прогнози	106

МЕТОДОЛОГИК ИЗОХ

2018 йилдан бошлаб Марказий банк Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси бўйича Қўлланманинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6. ХВФ, 2009 й.) мувофиқ тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарз кўрсаткичларини тайёрлаб келмоқда.

Ташқи сектор статистикасини (тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси) тузишдан асосий мақсад мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини, хусусан унинг кўрсаткичлари, валюта курси сиёсати, захираларни бошқариш ва эҳтимолий рискларга нисбатан ташқи таъсирчанлигини таҳлил қилиш учун умумлаштирилган асосни таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи бўйича маълумотлар фойдаланувчиларга чораклик асосда тақдим этилади.

Тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ҳамда ташқи қарз бўйича маълумотлар сўнги мавжуд маълумотлар асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқиши мумкин.

Ушбу методологиянинг изохи Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси бўйича Қўлланманинг олтинчи нашридан (ТБҚ 6. ХВФ, 2009 й.) олинган бўлиб, фойдаланувчиларга тўлов балансининг асоси, принциплари ва кўрсаткичларининг таркибини тушунишларини осонлаштиришга мўлжалланган.

1.1 Тўлов балансининг методологик стандартлари.

Тўлов баланси – маълум бир давр мобайнида резидент ва норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни умулаштирган кўринишда акс эттирувчи тизимлаштирилган макроиқтисодий ва статистик ҳисобот. Маълумотлар ТБҚ6 асосида ҳисоб юртишнинг стандарт қоидалари ва тамойилларига мувофиқ тузилади ва таснифланади.

Таърифлар ва асосий тамойиллар.

Таркибий жиҳатдан тўлов баланси жорий операциялар ҳисоби, капитал операциялари ҳисоби ва молиявий ҳисобдан иборат. Жорий операциялар ҳисоби савдо баланси, бирламчи ва иккиламчи даромадлар балансини қамраб олади. Капитал операциялари ҳисоби ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар ва капитал трансфертларининг келиб тушиши/чиқиб

кетишини кўрсатади. Молиявий ҳисоб тўғридан-тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар, бошқа инвестициялар ва захира активларидан иборатдир.

Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялари ҳисоби сальдоларининг йиғиндиси қолган дунёнинг соф кредитланишини кўрсатади. Назарий жиҳатдан у молиявий ҳисоб сальдосига тенг бўлиши керак. Молиявий ҳисоб ҳамда нооперацион ўзгаришлар (курс, нарх ва бошқалар) йиғиндиси халқаро инвестицион позициянинг давр боши ва охиридаги қолдиқлар ўртасидаги фарқни беради.

Иқтисодий бирлик – иқтисодий манфаатлари маркази мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида бўлганда ҳамда бир йилдан ортиқ муддат давомида мамлакат ҳудудида жойлашганда фуқаролигидан қатъий назар резидентдир.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди бўлиб бир ҳукумат томонидан бошқариладиган, одамлар, товарлар ва капиталлар эркин ҳаракатланадиган ва бир хил қонунчилик, монетар ва фискал сиёсат амал қиладиган географик ҳудуд ҳисобланади.

Жисмоний ёки юридик шахс давомий ёки муддати бўйича чекланмаган вақт давомида мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди доирасида маълум бир жойлашув – турар жой, ишлаб чиқариш жойи ёки кўчмас мулкка эга бўлганда иқтисодий манфаатлар марказига эга ҳисобланади.

Иқтисодий секторлар

Тўлов баланси молиявий ҳисобининг таркибий қисмлари – тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар ва бошқа инвестициялар – операцияларни амалга ошираётган резидентлар бўйича гуруҳланади:

Марказий банк – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

Марказий банкдан ташқари депозит ташкилотлар – Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари;

Ҳукумат – давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари;

Бошқа соҳалар икки турга бўлинади: бошқа молиявий ташкилотлар (микромолиявий ташкилотлар, суғурта ташкилотлари ва бошқалар) ҳамда номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари

ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.

Транзакцияларнинг турлари

Айирбошлашлар – тўлов балансида акс эттириладиган аксарият транзакциялар операциянинг бир иштирокчиси томонидан иқтисодий қийматнинг унга тенг бошқа қийматга ўтказилишини англатувчи айирбошлаш сифатида талқин қилинади.

Трансфертлар – бир томон бошқа бир томонга ҳеч қандай мажбуриятларсиз иқтисодий қийматни тақдим қилишини ифодаловчи транзакциялар.

Инобатга олинадиган транзакциялар – тўлов балансида инобатга олинадиган ва акс эттириладиган, амалда тўлови бажарилмаган яъни ҳисоблаб ёзилган транзакциялар.

Юқорида қайд этилган транзакциялар тўлов балансининг ҳисобларида қуйидагича акс эттирилади:

Товарлар мамлакатнинг чегарасини кесиб ўтувчи товарлар билан амалга ошириладиган барча транзакцияларни ёки резидент ва норезидентлар ўртасида эгалик ҳуқуқининг ўтишини (тўлов балансининг методологияси бўйича товарлар экспорти ва импорти, портларда сотиб олинган товарлар ва номонетар олтин) ўз ичига олади.

Хизматлар резидентнинг норезидентга ва норезидентнинг резидентга кўрсатган барча турдаги хизматларни қамраб олади:

- бошқа томонга тегишли бўлган моддий ресурсларни қайта ишлаш билан боғлиқ хизматлар;

- бошқа категорияларга кирмайдиган ремонт ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар;

- барча турдаги транспорт хизматлари (йўловчи, юк ва бошқалар);

- саёҳатлар (иш ва туризм мақсадларида Ўзбекистонда саёҳат қилаётган норезидентларнинг харажатлари ҳамда иш ва туризм мақсадларида хорижда саёҳат қилаётган резидентларнинг харажатлари);

- молиявий воситачиларнинг хизматлари;

- бошқа категорияларга кирувчи хизматлар (қурилиш, суғурта, компьютер ва ахборот хизматлари, бошқа иш билан боғлиқ хизматлар, хусусий шахсларга кўрсатилган маданий ва дам олишга оид хизматлар, бошқа категорияларга мансуб бўлмаган давлат товарлари ва хизматлари);

Бирламчи даромадлар резидент ва норезидентлар ўртасидаги икки турдаги оқимларни кўрсатади:

- иш берувчи томонидан иш ҳақи эвазига пул ёки натурал шаклда тўланган ишчининг даромади бўлиб, бунда операцияларнинг иштирокчилари турли резидентлик мавқеига эга. Бу муқофотлар ташриф буюрилган мамлакатда тўланадиган ва жорий трансфертлар сифатида акс эттириладиган солиқларни ҳам ўз ичига олади. Ташриф буюрилган мамлакатдаги ишчиларнинг харажатлари саёҳатлар қисмида акс эттирилади;

- инвестицион даромадлар резидентнинг ташқи активлари ёки ташқи мажбуриятлар бўйича қўлга киритган даромадларини ўз ичига олади. Инвестицион даромадлар тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, бошқа инвестициялар ва захира активлари бўйича даромадларни ўз ичига олади. Инвестицион даромадлар дивидендлар, реинвестиция қилинган даромадлар, фоизлар ва суғурта ҳамда нафақа схемаларига эга шахсларнинг ва инвестицион фондларнинг пайларига эга шахсларга тўланган маблағлардан иборат.

Иккиламчи даромадлар резидент ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансфертларни кўрсатади. Бу даромадлар категорияси бўлиб, молиявий ёки моддий ресурслар бир иқтисодиётдан бошқа иқтисодиётга ҳеч қандай мажбуриятларсиз ўтказилишини кўрсатади. Грантлар, гуманитар ва техник кўмақлар энг кўп тарқалган мисоллардан ҳисобланади. Мазкур гуруҳ жорий халқаро ҳамкорлик, жорий даромад солиқлари, шахсий тансфертлар, ижтимоий тўловлар ва ҳаётни суғурталаш билан боғлиқ бўлмаган суғурта тўловларни ҳам ўз ичига олади.

Капитал ҳисоби резидент ва норезидентлар ўртасидаги тушум ёки тўловларни, шунингдек ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг сотиб олиниши ёки сотилишини ўз ичига олувчи капитал трансфертларни акс эттиради.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар шартномалар, лицензиялар, маркетинг активлари ва натурал ресурслар (яъни, ер) каби номоддий активларни ўз ичига олади.

Молиявий ҳисоб активлар ва мажбуриятлар бўйича тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар, бошқа инвестициялар ва захира активлари каби бўлимларга ажратилади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар халқаро инвестицияларнинг категорияси бўлиб, бунда бир иқтисодиётнинг резиденти (тўғридан-тўғри инвестор) бошқа иқтисодиётнинг резидентидан (тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхона) унда узоқ муддат давомида фаолият юритиш учун улушларни сотиб олади. Тўғридан-тўғри инвестор компаниянинг овоз бериш ҳуқуқини берувчи

оддий акцияларининг 10%идан кам бўлмаган улушига ёки акциядорлик жамияти шаклида бўлмаган компанияда мос улушга эгалик қилади. “Тўғридан-тўғри инвестициялаш” тушунчаси ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасида маблағ ва моддий ресурслар киритилишини ҳам қамраб олади (корхоналар, уларнинг филиаллари ва бош офислари ўртасидаги капитал инвестициялар). Тўғридан тўғри инвестициялар акциядорлик капитали, реинвестиция қилинган даромад ва бошқа даромадларни ўз ичига олади.

Портфел инвестициялар инвестицион фондларнинг акция ва пайлари ҳамда қарз қимматли қоғозлари каби шаклларга эга.

Молиявий деривативлар бу молиявий воситалар бўлиб, бунда улар маълум бир молиявий воситаларга, кўрсаткичларга ёки хом-ашё товарларига боғланади ҳамда улар орқали махсус молиявий рисклар сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Молиявий деривативлар бўйича транзакциялар своп, опцион, кафолат, депозит ва бошқалар бўйича транзакцияларни ўз ичига олади ҳамда соф асосда баҳоланади.

Бошқа инвестициялар биринчи навбатда молиявий активларнинг соф ўзгариши ва молиявий мажбуриятларнинг соф ўзгариши бўлимларига ажратилади. Бошқа инвестициялар бошқа қимматли қоғозлар, валюта ва депозитлар, қарз мажбуриятлари, суғурта ва нафақа схемалари, савдо кредитлари ва аванслари, тушум/тўлов учун бошқа ҳисобларни қамраб олади.

Бошқа қимматли қоғозлар тўғридан тўғри инвестициялар бўлмаган ёки захира активлари бўлмаган инвестицияларни ўз ичига олади. Бошқа қимматли қоғозлар қимматли қоғозлар шаклида бўлмайди, шунинг учун қимматли қоғозлар бўлимига кирмайди.

Валюта ва депозитлар Марказий банк, тижорат банклари, айрим ҳолларда бошқа институционал секторга нисбатан барча талабларни ўз ичига олиб, нақд пул ва танга ҳамда депозит кўринишида бўлади.

Суғурта, нафақа дастурлари ва стандарт суғурта дастурлари (а) суғурта техник захиралари (хаётни суғурталашдан ташқари), (б) хаёт суғуртаси ва аннуитет бўйича тўлов ҳуқуқи, (в) нафақа олиш ҳуқуқи, (г) нафақа жамғармалари маблағларини бошқарувчи компанияларга нисбатан нафақа жамғармаларининг талаблари, (д) нафақа жамғармалари билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий тўлов учун ҳуқуқ, (е) стандарт кафолат бўйича талабларни коплаш учун захираларни ўз ичига олади.

Савдо кредитлари ва аванслари товар ва кўрсатилган хизматларга нисбатан эгалик ҳуқуқи

бошқа шахсга ўтган пайтда у учун тўлов ўша пайтнинг ўзида амалга оширилмаслик ҳолатида пайдо бўлади. Агар эгалик ҳуқуқининг ўтишигача тўлов амалга оширилса, савдо аванси ўринли бўлади.

Сотиш/харид учун бошқа ҳисоблар юқорида келтирилган категориялардан ташқари сотиш/харид учун бошқа ҳисоблардан иборат.

Махсус қарз олиш ҳуқуқи (МКХ) халқаро захира активи бўлиб, ХВФ томонидан яратилган ва унинг аъзоларига уларнинг расмий захираларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилади. МКХга фақат ХВФ аъзоларининг монетар органлари ва чекланган миқдордаги молиявий институтлари эгалик қилиши мумкин.

Захира активлари ташқи активлар бўлиб, мамлакатнинг монетар органлари ихтиёрида бўлади ва улар томонидан тўлов балансини молиялаштириш, валюта бозорида интервенцияни амалга ошириш ва шу билан боғлиқ бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Тўлов баланси **икки ёқлама ёзув тизими** асосида шакллантирилади. Ҳар бир транзакция бир хил катталиқдаги иккита ёзув билан акс эттирилади. Ёзувларнинг бири кредит бўйича, бошқаси дебет бўйича амалга оширилади. Масалан, экспорт операцияси амалга оширилганда, ушбу транзакция тўлов балансининг “экспорт” қисмида кредит бўйича ва “Активлар – валюта ва депозитлар” қисмида дебет бўйича акс эттирилади. Барча дебет ва кредит ёзувларининг йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак. Аммо амалиётда кўп ҳолларда ҳисоблар мувозанатлашмайди. Тўлов баланси учун маълумотлар кўпинча турли хил манбалардан олинади ва бунинг оқибатида фарқлар пайдо бўлиб, улар “соф хато ва йўқотишлар” каторида акс эттирилади.

Кредит бўйича ёзувлар экспорт, бирламчи ва иккиламчи даромадлар ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг хариди бўйича амалга оширилади.

Дебет бўйича ёзувлар импорт, тўланган бирламчи ва иккиламчи даромадлар ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг сотуви бўйича амалга оширилади.

Халқаро ҳисоблар **молиявий ҳисобдаги соф ўзгаришлар ёзуви** тамойилига амал қилади. Соф ёзувлар тамойили тўлов балансининг айнан бир томонидаги маълум бир молиявий активлар ва мажбуриятларнинг соф ўзгаришини кўрсатади (ўсишдан пасайишни айириш орқали). Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича транзакциялар “Молиявий активларнинг соф ўзгариши” ва “Молиявий мажбуриятларнинг соф ўзгариши” бўлимида акс эттирилади. Молиявий активларнинг

соф ўзгариши активнинг ошиши ва айнан шу активнинг камайиши ўртасидаги фарққа тенгдир. Мусбат ишорали ёзув активларнинг кўпайишини, манфий ишорали ёзув активларнинг камайишини англатади.

Бозор нархлари халқаро ҳисобларни баҳолашнинг асоси ҳисобланади. Транзакциялар бўйича бозор нархлари харидорнинг ихтиёрий равишда бирор-бир нарсани уни ихтиёрий равишда сотаётган сотувчига тўлашга тайёр бўлган маблағларнинг ҳажми каби аниқланади. Айирбошлаш фақатгина мустақил шахслар ўртасида ва тижорат мақсадларида амалга оширилади.

Транзакциянинг қайд этилиш вақти – мулк ҳуқуқи ўтишининг ҳақиқий ёки баҳоланган вақти. Бу молиявий ҳисоботларда транзакция акс эттирилган вақт.

Тўлов баланснинг стандарт ва таҳлилий кўриниши

Стандарт кўриниш – тўлов баланси кўрсаткичлари миллий ҳисоблар ва бошқа макроиктисодий статистикага мувофиқ бўлган шаклда гуруҳланади.

Тўлов баланснинг таҳлилий кўриниши халқаро захиралар, халқаро донорларнинг кредитлари ва бошқа манбалар томонидан тўлов баланснинг умумий салдосини молиялаштириш манбаларини акс эттириш мақсадида тўлов баланснинг стандарт кўринишини қайта ташкил қилишни кўзда тутди.

1.2. Маълумотларнинг манбалари ва компонентларни тузиш бўйича изоҳлар

Давлат божхона кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси, маҳсулот таксимотида оид келишув бўйича корхоналар ва операторларнинг маълумотлари, Давлат персоналлаштириш маркази, Марказий банк, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат ҳамда хусусий ташкилотлар тўлов балансини тузиш учун керакли маълумотларнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Маълумотларнинг сифатини яхшилаш ва уларнинг методология билан мувофиқлигини таъминлаш мақсадида олинган ҳисоботлар билан бирга айрим ўзгартиришлар киритилади.

Товарларнинг импорт/экспортга оид маълумотлар

Тўлов балансида экспорт ва импортга оид маълумотлар ФОВ нархларида акс эттирилади. Товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши бўйича маълумотлар Давлат божхона кўмитасидан олинади. Импорт қилинаётган товарларнинг СИФ нархлари товар юкланадиган минтақа ва

чегарадаги транспорт тури инобатга олинган ҳолда товарнинг оғирлиги бўйича ҳисобланган коэффицент асосида тўғирланади.

Давлат божхона кўмитасидан олинган расмий маълумотлар олтин экспортига оид маълумотлар билан тўлдирилади ва Марказий банк томонидан амалга ошириладиган “моккилик” экспорти ва импортини баҳолаш ҳамда қўшимча маълумотлар ва асосий савдо ҳамкорлари бўйича “қарама-қарши” статистикадан аниқланган фарқлар асосида тўлдирилади.

Жисмоний шахслар томонидан кейинчалик қайта сотиш мақсадида олиб кирилган/олиб чиқилган товарларнинг нархи “моккилик” савдоси иштирокчилари сонининг улар томонидан экспорт ёки импорт қилинган товарларнинг (мамлакатнинг барча ҳудудларидаги аэропорт ва чегара постларида ҳар чоракда ўтказилган сўровнома асосида шакллантирилади) ўртача нархларига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Халқаро хизматлар:

Транспорт хизматлари бўйича расмий маълумотлар Давлат статистика кўмитасидан олинади. Салмоқли ва етмаётган компонентлар бўйича қўшимча маълумотлар олинади ва ҳисоб-китоб қилинади. Хусусан:

Транспорт хизматлари бўйича

- ҳаво, темир йўл ва автомобил транспортига оид хизматларнинг ҳажми баҳоланади. Масалан, ҳаво транспортига оид хизматлар ҳаво транспорти орқали мамлакатга келган ва уни тарк этган чет эл фуқароларининг сонини (миллий авиатранспорт хизматидан фойдаланган Ўзбекистон фуқароларини чиқариб ташлаган ҳолда) Ўзбекистон фуқароларининг ташриф буюрадиган асосий мамлакатларига бориш чиптасининг ўртача нархига кўпайтириш йўли билан аниқланади;

- ҳаво транспорти орқали амалга ошириладиган экспорт бўйича маълумотлар, шунингдек Ўзбекистон аэропортларидаги ҳаво кемалари орқали экспорт қилинган ҳамда хорижий мамлакатларидаги Ўзбекистоннинг ҳаво кемалари орқали импорт қилинган товарлар ҳақидаги маълумотлар “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАКдан олинади;

- норезидентлар учун ташиладиган юкларнинг ҳажми ва нархига оид маълумотлар «Ўзбекистон темир йўллари» АКдан олинади;

- СИФ-ФОВ бўйича тузатишлар ҳар бир транспорт тури бўйича импорт қийматларига мазкур транспорт тури бўйича импорт ҳажмининг унинг умумий ҳажмидаги улушидан келиб чиқиб алоҳида қўшилади.

Сафарлар бўйича:

- Иш билан боғлиқ туризмнинг дебети ва кредити бўйича Давлат статистика кўмитасининг маълумотларига қисқа муддатли ишчиларнинг хорижда ишлаш даврида амалга оширган харажатлари қўшилади;

- Шахсий сафарларнинг (туризм) дебети ва кредити бўйича туризм хизматлари экспорти ва импортнинг қийматлари чегара хизмати маълумотлари ва 2018 йилнинг май ойида Давлат статистика кўмитаси томонидан ўтказилган туризмга оид сўровнома натижаларига асосан ҳисоблаб чиқилади.

Резидентлардан олинган туризмга оид сўровнома натижалари бўйича шакллантирилган коэффицентлар транспорт харажатлари қийматларини ҳам ўз ичига олганлиги сабабли транспорт харажатларини икки марта ҳисобга олишни олдини олиш учун мақсадида улар туризм дебетидан чиқариб ташланади.

Бошқа хизматлар бўйича:

- бошқа категорияларга кирмайдиган давлат хизматлари ҳақидаги маълумотларни акс эттириш учун Ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

- суғурта билан боғлиқ хизматларни акс эттириш учун маълумотлар суғурта компанияларидан олинади ҳамда фарқлар аниқланган ҳолатларда тузатишлар киритилади.

Бирламчи даромадлар

- бирламчи даромадларнинг ҳисоб-китоблари Марказий банк томонидан шакллантириладиган пул ўтказмаларига оид маълумотлар ва Давлат божхона кўмитаси томонидан 2018 йилгача шакллантирилган нақд хорижий валютанинг олиб киритилишига оид маълумотлар асосида амалга оширилади. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги элчихоналар ва халқаро муассасаларда ишлаётган резидентлар даромадларининг ҳажми билан тўлдирилади.

Қисқа муддатли ишчиларнинг иш ҳақларини баҳолаш техник кўмак бериш миссияси доирасида ХВФ мутахассиси томонидан тавсия этилган тартибда амалга оширилади. Бунда қисқа муддатли ишчилар сонининг қолдигини аниқлашда ҳисоб-китобларда жорий ва сўнгги уч чоракда хорижга ишлаш мақсадида борган Ўзбекистон фуқаролари сонининг камаювчи қолдиқ коэффиценти қўлланилади. Қисқа муддатли ишчилар тушумларининг жами қийматини аниқлаш учун уларнинг сонини даромадларининг ўртача қийматига кўпайтирилади.

Мазкур ёндашувни қўллаш орқали уларнинг сафар харажатлари ва солиқ ҳамда патент божлари ҳам аниқланади.

- инвестицион даромадлар Марказий банк, тижорат банклари, Молия вазирлиги ва маҳсулот тақсимотида оид битим (МТБ) асосида фаолият юритувчи корхоналардан олинган маълумотлар асосида ҳисобланади. Бунда тижорат банклари кафолатланмаган хусусий қарз бўйича ҳисоб-китобларга оид маълумотларни тақдим қилса, Молия вазирлиги эса ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган қарз маблағлари бўйича ҳисоб-китобларга оид маълумотларни тақдим қилади.

Иккиламчи даромадлар

- шахсий пул ўтказмалари ҳисоби Марказий банки халқаро пул ўтказмалари оқими маълумотлари ва Давлат божхона кўмитаси томонидан 2016-2017 йилларда тузилган олиб кирилган нақд чет эл валютаси маълумоти асосида амалга оширилади. Ўзбекистон фуқаролари томонидан олинган умумий халқаро пул ўтказмалари ва олиб кирилган нақд чет эл валютаси қийматидан қисқа муддатдаги ишчиларнинг соф даромади айрилиб ҳисобланади.

Пул кўринишида тассаруф қилинган грантлар ҳақидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан тақдим қилинади, товар ва маҳсулот кўринишида олинган инсонпарварлик ёрдами эса Давлат божхона кўмитаси томонидан тақдим қилинади.

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларга тўланган тўловлари ҳақида маълумот беради.

Капитал ҳисоб

Капитал трансфертлар тижорат банклари ва бошқа маълумот ресурсларидан олинган маълумотлар асосида тузилади.

Молиявий ҳисоб

Туғридан-туғри инвестициялар

- тўғридан-тўғри инвестициялар ҳақида маълумотлар Халқаро валюта фонди тарафидан тавсия қилинган ҳисобот формаларида Давлат статистика кўмитаси тарафидан амалга оширилган сўровнома натижалари асосида тузилади. Шунингдек, маҳсулот тақсимотида оид битимлар доирасида фаолият юритаётган корхоналар ўзлари томонидан киритилган инвестициялар ҳақида маълумот берадилар. Ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасидаги фирмаларо қарзлар бўйича маълумотлар тижорат банклари томонидан тақдим қилинади.

- Ўзбекистон корхоналарининг чет элга киритган тўғридан тўғри инвестициялари қиймати сезиларли даражада эмас. Шунингдек, уларнинг реал ҳажмини маъмурий маълумотлар ёрдамида аниқлашнинг имкони мавжуд эмас.

Портфель инвестициялар

- портфель инвестициялар ҳақида маълумотлар Халқаро валюта фонди томонидан тавсия қилинган ҳисобот формаларида Давлат божхона қўмитаси тарафидан амалга оширилган сўровнома натижалари асосида тузилади.

Бошқа инвестициялар

- ташқи қарз ва вакиллик ҳисобидаги қолдиқлар ҳақидаги маълумотлар Марказий банк, Молия вазирлиги ва тижорат банклари тарафидан тақдим қилинган маълумотлар асосида тузилади;

- савдо кредитлари тижорат банкларидан олинган ҳисоботлар асосида тузилади.

Захира активлари

- захира активлари ҳақидаги маълумотлар Марказий банк тарафидан берилади.

1.3 Ҳалқаро инвестицион позициясининг методологик стандартлари

Ўзбекистон Республикасининг Ҳалқаро инвестицион позицияси тўлов баланси ва ҳалқаро инвестицион позицияси қўлланмасининг олтинчи нашри асосида тузилади (ТБҚ6).

Ҳалқаро инвестицион позиция маълум бир давр мобайнида мамлакатнинг ташқи молиявий активлари ва мажбуриятларини кўрсатади. ХИП Марказий банк, Марказий банкдан ташқари депозит қабул қиладиган корпорациялар, ҳукумат ва бошқа секторлар каби баъзи институционал секторлар томонидан норезидентларга нисбатан талаблар ва мажбуриятларнинг тўлиқ таркибини ўз ичига олади. Бу ҳисоботнинг асосий бўлимлари молиявий ҳисоб бўлимларига тўғри келади: тўғридан тўғри инвестициялар, портфель инвестициялар, молиявий ҳосилалар, бошқа инвестициялар ва резерв активлари.

Иқтисодиётнинг молиявий активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ соф

инвестицион позицияга тенгдир. Шундай қилиб, ХИПдаги сектор “соф кредитор” ёки “соф қарздор” бўлиши мумкин.

ХИП жадвал кўринишида тузилиб, ўзида операциялар бўйича оқимлар ва қолдиқларни акс эттиради.

1.4. Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзи бўйича маълумотлар манбалари ва кўрсаткичларнинг шакллантирилиши.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзи Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ташқи қарз бўйича, шунингдек ташқи қарз бўйича ҳисобга олинган, аммо ҳали тўланмаган фоизлари бўйича қарздорлик қолдиқларини ўзида акс эттиради. Ташқи қарз, хусусий сектор ташқи қарзи ва давлат ташқи қарзига бўлинади.

Давлат ташқи қарзи, ҳукумат томонидан олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қафолати остида олинган кредитларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат қарзлари бўйича келиб тушган маблағлар, ҳисобланган фоизлар ва амалга оширилган тўловлар ҳақида маълумотларни тақдим этади.

Хусусий сектор ташқи қарзи бош компаниялар томонидан тақдим қилинган қарздорликларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қафолатисиз олинган ташқи қарздорликларни ўз ичига олади. Хусусий секторнинг ташқи қарзи бўйича маълумотлар тижорат банклари томонидан тақдим қилинади.

Хусусий сектор ташқи қарзлари бўйича маълумотлар иқтисодиёт секторларининг кесимида (нефтегаз ва энергетика, банк, телекоммуникация, текстиль ва бошқа секторларда) шаклланади.

Шунингдек асосий қарзнинг ва фоизларнинг сўндирилиш прогнозлари ҳақидаги маълумотлар ҳам банklar томонидан тақдим қилинади.

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг ҳолати 2017 йил сентябрда бошланган иқтисодий ислохотлар, шунингдек бир қатор ташқи омиллар таъсирида шаклланди.

2018 йилда тўлов баланси ҳолатига таъсир қилувчи ички омиллар бўлиб худудларни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини жадал тарзда амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг ошиши, резидентлар томонидан тўғридан - тўғри инвестициялар бўйича мажбуриятларнинг тўланиши, ташқи қарз ҳажмини ортиши ҳисобланади.

Ташқи омиллар бўлиб эса ҳом-ашё товарлар (нефтегаз ва қимматбаҳо металллар) нархларининг динамикаси, шунингдек Ўзбекистондан меҳнат мигрантларини қабул қилувчи мамлакатлардаги ноқулай ташқи шароитлар билан боғлиқ трансчегаравий пул ўтказмалари ўсиш даражасининг секинлашиши ҳисобланади.

Ялпи ички маҳсулотнинг (бундан кейин – ЯИМ) ўсишини ҳисобга олган ҳолда 2018 йил учун жорий операциялар ҳисоби дефицити ЯИМнинг 7%ни ташкил қилди.

Жорий операциялар ҳисобининг дефицити молия ҳисоби бўйича капитал оқими, ҳусусан ташқи қарздорликни ошиши, иқтисодиётни кредитлаш ҳажми ортиши ва тўғридан - тўғри инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилди.

Соф ташқи қарздорлик 2017 йилга нисбатан икки баробарга ёки 2,1 млрд. АҚШ долларига (бундан кейин – долл) ўсди. Шу билан бирга, ташқи қарзни жалб қилиш асосан давлат сектори тамонидан амалга оширилди, ҳусусий сектор қарздорлиги бўйича мажбуриятларни тўланиши янги қарз жалб қилиш ҳажмидан кўпроқ бўлди.

2018 йилда иқтисодиётни кредитлаш 51%га ўсди. Иқтисодиётнинг фаол кредитлаш реал сектор ва капитал қурилиш соҳаси учун зарур бўлган импорт товарларига бўлган талабни ошишига олиб келди.

Хорижий инвестициянинг ялпи ҳажми асосан нефтегаз секторига бўлган инвестицияларнинг камайиши эвазига 1,8 млрд. долл. ни ташкил қилди (2017 йил 2,6 млрд. долл.). Шунингдек, 2018 йилда инвестициялар бўйича тўловлар асосан нефтегаз секторига мансуб корхоналар тўловларининг ортиши ҳисобига 1,2 млрд. долларга тенг бўлди (2017 йил 780 млн. долл.). Шу билан бирга, хорижий инвесторлар томонидан реинвестиция қилинган даромадлар миқдори 46%га ўсиб, 693 млн. долларни ташкил қилди.

Резерв активлари бўйича операциялар 1,5 млрд. долларни ташкил қилди, шу билан бирга олтин нархи ўзгаришининг ижобий динамикаси эвазига олтин валюта захирасининг ҳажми сезиларли ўзгаришсиз қолди.


Реал эффе́ктив айирбошлаш курси 2018 йил мобайнида ўсиб боровчи динамикани намойиш этди. Шу билан бирга, сўм курсининг 2018 йил мобайнидаги турли йўналишдаги динамикаси иқтисодий ислоҳотларнинг тўлов балансига бўлган таъсирини юмшатишга хизмат қилди.

Сўмнинг асосий савдо ҳамкор давлатларнинг валюталарига бўлган реал индексининг базис даврга нисбатан тушиши Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни асосий савдо ҳамкорларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан арзонлаштириш орқали экспортни қўллаб қувватловчи даражада бўлди. (1-диаграмма).

1-диаграмма

Сўмнинг асосий валюталарга нисбатан реал курслари¹

(январь 2016 = 100)



¹Сўмнинг асосий савдо ҳамкор давлатлар валюталарига нисбатан реал айирбошлаш курси, асосий савдо ҳамкор давлатларда нарх ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, ўзида базис даврга нисбатан индексдаги ўзгаришларни намойиш қилади. Индекснинг ўсиши сўмнинг асосий савдо шерик давлатларнинг валюталарига нисбатан қимматлашувини билдиради. Индекснинг ўсиш даражаси унинг базис даври танловига таъсирчандир.

Ўзбекистон ташқи секторининг асосий кўрсаткичлари

	2016	2017	2018	2019*
Жорий операциялар ҳисоби сальдоси (млрд. долл.)	0,3	1,5	-3,5	-3,3
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	0,5%	2,5%	-7,0%	-6,2%
Товар ва хизматлар экспорти (давр учун, млрд. долл.)	10,6	12,4	14,1	15,3
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	16%	21%	28%	29%
Товар ва хизматлар импорти (давр учун, млрд. долл.)	14,5	16,5	23,5	25,1
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	21%	28%	46%	47%
Тўғридан – тўғри инвестициялар (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)	1,7	1,8	0,6	1,0
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	2%	3%	1%	2%
Ташқи қарз (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)	1,2	0,9	2,1	3,0
<i>ЯИМга нисбатан %да</i>	2%	2%	4%	6%
Ҳалқаро резервлар, ялпи (млрд. АҚШ долл. давр охири учун)	26,4	28,1	27,1	26,0
<i>Товарлар ва хизматлар импорти ойларига мос равишда</i>	21,9	20,4	13,8	13,0
Олтин экспорти (тоннада)	70	80	70	80
<i>Олтиннинг дунё нархлари (даврга нисбатан ўртача)</i>	1 248,1	1 258,6	1 268,8	1 320,0
Газ экспорт (в млн. куб.метрда)	11 687,3	10 232,7	14 870,7	12 500,0
<i>Газ нахри (ҳисобан, 1000 куб.метр учун)</i>	130,2	136,4	184,9	
Долларнинг сўмга нисбатан курси (йилига ўртача)	2 966	5 121	8 069	
Малумот учун: ЯИМ жорий нархларда (давр охирига млрд. долл.)	67,4	59,1	50,5	53,3

*2019 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари ва экспертлар ҳулосаларига кўра тақдим қилинди.

Жорий операциялар ҳисоби


2018 йил якунига кўра жорий операциялар ҳисоби дефицити 3,5 млрд. долларни ташкил қилди. Бунда товарлар импортининг ўсиши суръатлари товарлар экспорти ўсиши суръатларидан юқорилиги дефицитнинг шаклланишига асосий сабаб бўлди. Бу ҳолат асосан аҳоли ва тадбиркорлар томонидан маҳсулотларга талабнинг ортиши натижасида уларни ички бозорга йўналтирилгани билан боғлиқдир. Бундан ташқари, хуфёна иқтисодиётнинг расмийлашуви ханузгача импорт ҳажмига таъсирини ўтказишни давом эттирмоқда.

Шу билан бирга, 2018 йилнинг иккинчи ярмида кузатишган бирламчи ва иккиламчи даромадлар ўсиш суратининг 2017 йилга нисбатан пасайиши, меҳнат мигрантларини қабул қилувчи мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон трансчегаравий пул ўтказмалари нетто олувчиси бўлган мамлакатлар валюталарининг кучсизланиши билан қисман боғлиқ. (2-диаграмма).

2-диаграмма

Жорий операциялар ҳисоби компонентларининг сальдоси

(млн. долл.)



2018 йилда жорий операциялар ҳисобининг барча компонентлари бўйича даромадлар ва харажатлар ўсиши кузатилди. Шу билан бирга, жорий харажатларнинг ўсиши, товарлар импорти ҳажмини ошиши сабабли биринчи марта барча компонентлар бўйича жорий тушумларнинг ўсишидан кўпроқ бўлди. (2-жадвал)

Жорий операциялар ҳисоби ҳолатининг ёмонлашуви, савдо балансининг (товарлар) манфий сальдоси уч мартадан кўпроқ ўсиши натижасида 6,9 млрд. долларни (2017 йилда 2,2 млрд. долларни) ташкил қилгани ҳисобига бўлди. Шунингдек, чораклар бўйича товарлар импорти ўсиш суръати, уларнинг экспорти ўсиш суръатидан *(олтин экспортини ҳисобга олмаган ҳолда)* 2018 йилнинг ҳар чорагида кўп бўлди.

2-жадвал

Жорий даромадлар ва харажатлар структураси

(млн. долл.)


Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	В том числе за:			
				1 кв.	2 кв.	3 кв.	4 кв.
Жорий даромадлар	16 490,0	19 827,1	22 140,1	5 152,0	5 035,8	5 003,0	6 949,3
Товарлар экспорти	8 645,2	10 161,5	11 385,6	2 956,9	2 350,8	1 976,5	4 101,3
Хизматлар экспорти	1 904,7	2 250,7	2 749,6	572,8	687,5	750,8	738,5
Ҳисобланган бирламчи даромадлар	2 212,9	2 598,8	3 181,2	685,1	829,9	871,2	794,9
Ҳисобланган иккиламчи даромадлар	3 727,2	4 816,1	4 823,8	937,1	1 167,6	1 404,5	1 314,5
Жорий харажатлар	16 194,8	18 347,1	25 716,8	5 392,4	6 410,7	6 549,7	7 364,1
Товарлар импорти	11 037,3	12 377,3	18 252,4	3 727,8	4 519,7	4 488,9	5 516,0
Хизматлар импорти	3 443,7	4 092,5	5 191,1	1 142,6	1 249,1	1 417,3	1 381,9
Ҳисобланган бирламчи даромадлар	1 278,5	1 384,2	1 658,1	385,56	484,8	481,6	306,1
Ҳисобланган иккиламчи даромадлар	493,4	493,1	615,2	136,3	157,04	161,78	160,07
Жорий ҳисоб сальдоси	313,4	1 488,2	-3 576,7	-240,4	-1 374,8	-1 546,6	-414,9

Шундай қилиб 2018 йил якунларига кўра савдо балансининг манфий сальдоси, халқаро хизматларни ҳисобга олган ҳолда, 9,3 млрд. долларни ташкил этди, бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси эса 5,8 млрд. долларни тақил этди.

Товарлар


2018 йил натижаларига кўра товарлар савдоси бўйича ташқи савдо айланмаси, олтин савдоси ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда, 29,6 млрд. долларни ташкил қилди. Экспорт ва импорт мос равишда 11,4 млрд. долл. ва 18,3 млрд. долларни ташкил қилди. Натижада, тўлов баланснинг салбий сальдоси 6,9 млрд. долларни ташкил қилди.

Товарлар экспорти ҳажми 2017 йилга нисбатан 12% ошди. Олтин қийматининг ошиши (жами экспорт ҳажмининг 25,5%) унинг ўртача йиллик нархининг ўсиши эвазига содир бўлди. Нефтегаз маҳсулотларининг экспорт ҳажми, (экспорт умумий ҳажмининг 23,3%) ҳисобланган ўртача нархлари 2017 йилга нисбатан 35,5%га, етказиб бериш ҳажми 45,3%га ошганлиги эвазига, деярли икки баробарга ошди.




Товарлар экспортининг чораклик ўсиш суръати (олтин экспортини ҳисобга олмаган ҳолда) 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан кўпроқ бўлди, йилнинг иккинчи ярмида эса ўсиш мақбул суръатда давом этди. (3-диаграмма).

Товарлар импорти 2017 йилга нисбатан 47,5% га ўсди. Бунда барча чораклардаги импортнинг ўсиш суръати, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан икки баробардан кўп бўлди. (4-диаграмма).




2016 – 18 йиллар мобайнида экспорт жами ҳажмининг деярли 80%и беш мамлакат хиссасига тўғри келди, ундан 30-35% Швецарияга (олтин). Хом-ашё товарлари экспорти (олтин ва газ) экспортнинг 60-70%гача ташкил қилади. Бунда газ экспортининг асосий улуши Хитой, Россия ва Қозоғистонга тўғри келмоқда (5-диаграмма).



Шу билан бирга, товар импорти бўйича бир қатор товар гуруҳларида ўсиш кузатилди. Шу жумладан “машиналар, ускуналар, механизмлар” – 6,2 млрд. долларни (2017 йилда 3,7 млрд долларни), “қимматбаҳо бўлмаган металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар” – 2,4 млрд. долларни (2017 йилда 1,7 млрд. долларни), “қуруқликдаги, сувдаги ва ҳаводаги транспорт воситалари” – 2,6 млрд. долларни (2017 йилда 1,3 млрд. долларни) ташкил қилди. Ушбу товар гуруҳлари жами импорт ҳажмининг 59% ни ташкил қилди (2017 йилда 52%) (6-диаграмма).

Шунингдек Россия ва Хитойдан (Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан) импорт қилинадиган товарларнинг ҳажми мутаносиб равишда 36%га ва 30%га ошган, аммо уларнинг умумий ҳисобдаги улуши камайиб, Россиянинг улуши 18,1%ни (2017 – йилда 19,5%ни), Хитойнинг улуши 19,9%ни (2017 – йилда 22,4% ни) ташкил қилди. Ушбу камайиш бошқа мамлакатларнинг импортдаги улуши ортиши билан боғлиқ. Хусусан, Япония улуши 0,9%дан 4,4%гача, Корея Республикасининг улуши эса 9,7%дан 11,2%гача ошди.





Хизматлар

Хизматлар бўйича халқаро савдо дефицити 2017 йилга нисбатан 32,5%га ошиб 2,4 млрд. долларни ташкил этди. Шу билан бирга, хизматлар экспорти ва импорти тузилмасида транспорт хизматлари ва сафарлар билан боғлиқ хизматлар салмоғи юқори бўлиб келмоқда. (7,8 -диаграммалар).

Хизматлар экспорти 2,7 млрд. долларни (2017 йилда 2,2 млрд. долларни) ташкил этган бўлса, уларнинг импорти 5,2 млрд. долларни (2017 йилда 4,1 млрд. долларни) ташкил қилди. Транспорт хизматларига ва сафарлар билан боғлиқ хизматларга, хизматлар экспорти умумий ҳажмининг 80%дан ортиқроғи тўғри келади. Бундан ташқари, хизматларнинг худди шу турига хизматлар импортининг 90%га яқини тўғри келади.

Хизматлар экспортининг ўсиши, сафарлар (туризм) билан боғлиқ бўлган хизматларнинг нисбатан юқори ўсиш суръати эвазига юзага келиб, хорижий фуқаролар томонидан Ўзбекистонга кириш тартибларини осонлаштиришга қаратилган чоратadbирлар мажмуаси натижасидир. 2018 йилда туристик хизматлар экспортининг даражаси, транспорт хизматлари экспорти даражасига тенглашди.

Транспорт хизматларининг импортида эса темирйўл ва автомобиль транспортларида амалга оширилган хизматлар устунлик қилди. Темирйўл транспорти билан боғлиқ хизматлар импортининг умумий ҳажми 1,2 млрд. долларни (2017 йилда 0,9 млрд. долларни), ҳамда автомобиль хизматлари билан боғлиқлари 442 млн. долларни (2017 йилда 273 млн. долларни) ташкил этди. Транспорт хизматлари импортининг ўсиш суръати тезлашгани товарлар импорти ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.



Бундан ташқари, сафарлар билан боғлиқ хизматлар импортининг ортиши кузатилиб, 2,2 млрд. долларни (2017 йили 1,6 млрд. долларни) ташкил қилди.


Бирламчи даромадлар

Бирламчи даромадлар ҳисобининг сальдоси қисқа муддатли ишчилар даромадлари эвазига мусбат бўлиб, 1,5 млрд. долларни (2017 йилда 1,2 млрд. долларни) ташкил қилди (9 -диаграмма).

9-диаграмма

Бирламчи даромадлар компонентларининг ўзгариши

(млн. долл.)



Бирламчи даромадлар моддаси бўйича қисқа муддатли ишчилар томонидан олинган иш ҳақи асосий манба бўлиб, 2,9 млрд. долларни (2017 йилда 2,5 млрд. долларни) ташкил қилди. Тушумлар йилнинг II-III чоракларида нисбатан юқори бўлиб, мавсумийликни намоён қилади.

Шунингдек, резидентларнинг инвестицион даромадлари – 234,1 млн. доллар (2017 йилда 121,9 млн. доллар) ташкил қилиб, улардан 222,6 млн. доллар (2017 йилда 112,0 млн. долл.) халқаро резервларни жойлаштиришдан келиб тушган

даромадлардир. Қолган қисми, асосан, хорижий банклардаги корреспондент ҳисобрақамлар ва резидентларнинг депозитлари бўйича даромадлардир.

2018 йил IV чорагидаги тўғридан-тўғри инвесторларга ҳисобланган даромадлар миқдорининг камайиши, норезидент инвесторлар томонидан активларни резидентларга сотиши билан боғлиқ норезидентларнинг улушлари камайиши натижасидир.


Ўз навбатида, норезидентларнинг инвестицион даромади – 1,6 млрд. долларни (2017 йилда 1,3 млрд. долларни) ташкил қилиб, асосан хорижий инвесторларнинг реинвестиция қилинган даромадлари 46%га ошиб 693 млн. долларни (2017 йилда 475 млн. долларни) ташкил қилиши ҳамда резидентларга берилган кредитлар бўйича даромадларнинг 21%га ошиб 495 млн. долларни (2017 йилда 408 млн. долларни) ташкил қилиши натижасидир.

Хорижий инвесторлар даромадининг умумий ҳажмининг 61% реинвестиция қилинган даромадлардир.

Иккиламчи даромадлар


Иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 2017 йилга нисбатан деярли ўзгармаган ҳолда 4,2 млрд. долларни ташкил этди. 2018 йилда иккиламчи даромадлар ўсишининг турғунлиги, асосан узоқ муддатли меҳнат мигрантларини қабул қилувчи чет эл мамлакатларидаги шарт шароитлар натижасидир.

Резидент жисмоний шахсларга (уй хўжаликларига) чет элдан трансферт ўтказмалари иккиламчи даромадларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Шунингдек, уй хўжаликларига трансферт ўтказмалари асосан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали амалга оширилади. Ўз навбатида, тўланган трансфертлар резидентларнинг норезидентларга юборган трансфертларини акс эттиради (10 -диаграмма).



юборган трансфертларини акс эттиради

Иккиламчи даромадларнинг келиб тушиши ҳам мавсумий характерга эга. Шу билан бирга, Ўзбекистон фуқароларига келиб тушувчи трансчегаравий пул ўтказмаларининг бир қисми уларнинг доимий равишда чет элда бўлган ёки яшайдиган қариндошлари томонидан жўнатилади. (11-диаграмма).



Яна бир эътиборли жихати шундан иборатки, пул ўтказмалари амалиётдан нафақат норезидентлар (бир йилдан ортиқ мудат давомида чет элда бўлган ишчилар) ёки қисқа муддатли ишчилар оилаларига ёрдам юбориш мақсадида, балки, ташқи савдо операцияларини амалга ошириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Шу сабабли резидент-жисмоний шахсларга пул ўтказмалари ва нақд кўринишда олиб кирилган маблағлар миқдори моқкилик экспорти хажмига камайтиради. Резидент-жисмоний шахсларнинг пул ўтказмалари ва нақд кўринишда олиб чиқилган маблағлари ҳамда моқкилик импорти бўйича ўхшаш жараён қўлланилади.

Капитал билан боғлиқ операциялар ҳисоби

Капитал билан боғлиқ операциялар ҳисобининг ижобий сальдоси 143,0 млн, долларни (2017 йилда 99,8 млн. долларни) ташкил этди. Шундан 29,6 млн. доллари ташқи хусусий қарздорликнинг асосий қарз ва фоизлардан воз кечиш шаклида бўлиб, уларнинг асосий қисми бош компаниялардан олинган, шунингдек 6,0 млн. доллари қурилишларга капитал трансферт шаклида тақдим қилинган. Бундан ташқари, III-IV чораклар давомида йирик, бир марталик характерга эга бўлган 110,0 млн. доллар (2017 йилнинг III чорагида 60,0 млн. доллар) миқдорида трансфертлар келиб тушди. 2,6 млн. доллар (2017 йилда 0,6 млн. доллар) миқдоридаги капитал трансфертлари тақдим қилинди.

Молиявий ҳисоб

2018 йил якунларига кўра молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 4,4 млрд. долларни ташкил этди. Шу билан бирга мажбуриятларнинг ортиши активларнинг ўсишидан олти баробардан кўпроқни ташкил қилди. Молиявий ҳисоб балансининг ўтган даврларга нисбатан кескин ўзгаришининг асосий сабаблари савдо кредитлари ва бўнақлар бўйича мажбуриятларнинг ўсиши (2,6 млрд. доллар), ҳамда давлат сектори қарздорлиги эвазига норезидентлардан олинган кредитлар ва қарзлардир (2,1 млрд. доллар). Бундан ташқари 1,5 млрд. долл. микдорда резерв активлари ишлатилиши ҳам кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Молиявий тушум ва харажатлар тузилмаси

(млн. долл.)

	2016	2017	2018
Молиявий ҳисоб	381,1	-443,8	-4 373,3
Молиявий активларнинг соф олинishi	3 432,4	3 296,3	856,9
Хорижга тўғридан-тўғри инвестициялар	5,8	9,0	1,9
Портфел инвестициялар	-	-	-
Бошқа инвестициялар	2 874,2	3 543,3	2 418,6
<i>улардан</i>			
<i>валюта ва депозитлар</i>	<i>3 609,4</i>	<i>3 201,2</i>	<i>1 716,0</i>
<i>савдо кредитлари ва аванслар</i>	<i>-735,2</i>	<i>342,1</i>	<i>702,7</i>
Резерв активлар	552,4	-256,0	-1 563,7
Молиявий мажбуриятларнинг соф олинishi	3 050,3	3 739,1	5 230,1
Хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар	1 662,6	1 797,3	624,3
Портфел инвестициялар	1,9	2,9	13,0
Бошқа инвестиции	1 386,7	1 939,7	4 592,8
<i>улардан</i>			
<i>кредитлар ва қарзлар</i>	<i>1 230,9</i>	<i>930,8</i>	<i>2 144,8</i>
<i>савдо кредитлари ва бўнақлар</i>	<i>263,1</i>	<i>531,1</i>	<i>2 587,5</i>
<i>бошқа кредитор қарздорликлар</i>	<i>-111,5</i>	<i>374,7</i>	<i>-148,7</i>

Тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар

2018 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф оқими 624 млн. долларни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 3 мартага камдир. Инвестиция оқимининг камайиши маҳсулот тақсимотида оид битим (бундан кейин – МТБ) доирасидаги инвестиция репатрацияси ҳажмининг ошиши ва 2018 йилда 1 млрд. долларни (2017 йилда 524 млн. долларни) ташкил қилгани билан боғлиқдир. Шу билан бирга, 2017 йилда хорижий инвесторлар томонидан МТБ доирасида минерал ресурсларни казиб олиш мақсадида қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш учун сезиларли ҳажмда маблағлар йўналтирилган (12-диаграмма).


Бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ортиши таҳлил қилинаётган давр мобайнида, 2017 йилнинг IV чораги ва 2018 йилнинг II чорагида тўловлар тушумлардан кўп бўлганлигини истисно қилганда, ижобийлигини сақлаб қолган.

Хорижий инвесторлар томонидан даромадларни реинвестиция қилиниши 693 млн. долларни ташкил қилди, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 217 млн. долларга кўпдир. Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг портфель инвестициялари ҳажми 2017 йилда 3 млн. доллардан 2018 йил 13 млн. долларга ортти.

12-диаграмма

Тўғридан-тўғри инвестициялар компонентларининг ўзгариши

(млн. долл.)



Бошқа инвестициялар

“Бошқа инвестициялар” моддаси бўйича активларнинг соф олиними 2,4 млрд. долларни (2017 йил 3,5 млрд. долларни) ташкил этди. “Бошқа инвестициялар” моддасининг асосий компонентлари резидентларнинг валюта ва депозитлари ҳамда савдо кредитлари (дебитор қарздорлик) бўлиб, улар мос равишда 1,7 млрд. долларга ва 703 млн. долларга ўсди.


“Валюта ва депозитлар” компонентининг иқтисодиётнинг секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, аҳоли хорижий валютадаги жамғармаларини ўсишини ўз ичига олгани учун, операцияларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг бошқа секторларига тўғри келди. Активларнинг доимий ўсиши Ўзбекистон Республикасининг чет элда ишлайдиган фуқаролари даромадларининг репатриация қилиниши (Ўзбекистонга ўтказилиши), шунингдек резидент - юридик шахсларнинг чет элдаги ҳисобрақамларига келиб тушаётган маблағлар эвазига таъминланиб келинмоқда. (13-диаграмма)

Банк секторининг валюта ва депозитларининг соф ўзгариши (вакиллик ҳисоблари ва банк кассаларидаги ўзгаришлар), 2017 йилнинг IV чорагидан бошлаб умуман олганда манфийлигича қолмоқда. Жорий тенденция резидентларнинг импорт операциялари бўйича тўловлар ҳажмининг ортиши натижасидир.

13-диаграмма

“Валюта ва депозитлар компоненти бўйича соф ўзгаришлар

(млн. долл.)



Норезидентлар томонидан ташқи савдо шартномалари асосида тақдим қилинган савдо кредитлари ва бўнак тўловлар бўйича операциялар сальдоси 2017-2018 йилларда ижобий бўлиб келган. Шунингдек, 2018 йилда бу сальдо 2017 йилга нисбатан икки баробарга ортган ва экспертлик баҳолашлар бўйича бу ўсиш қисман 2018 йилда ташқи савдо айланмасини 22%га ортиши билан боғлиқ.

“Бошқа инвестициялар” моддаси бўйича 2018 йилда соф мажбуриятларнинг ортиши 4,6 млрд. долларга (2017 йилда 1,9 млрд. долларга) тенгдир. Бу ўсишнинг асосий улуши “Кредитлар ва қарзлар” ва “Савдо кредитлари ва бўнак тўловлар” (кредитор қарздорлик) компонентларига тўғри келиб, улар мос равишда 2,1 млрд. долларга ва 2,6 млрд. долларга ўсган.

“Кредитлар ва қарзлар” компонентининг иқтисодиётнинг секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, давлат бошқаруви сектори 2017-2018 йиллар мобайнида ўсиш суръатини сақлаб турибти. 2018 йилда, ўтган даврларга нисбатан, давлат қарздорлигининг ўсиш суръати тезроқ бўлгани эътиборга моликдир. Бу ҳолат саноат ва ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурларини молиялаштириш зарурати мавжудлиги туфайлидир (14-диаграмма).


Банк секторининг кредитлар ва қарзлар бўйича операциялар сальдоси 2018 йилнинг II чорагига қадар ижобийлигича қолди. Аммо, 2018 йилнинг III чорагидан бошлаб мажбуриятларнинг ортиши сезиларли тус олди. Жорий ўсиш ташқаридан қарз олишнинг жозибадор ставкалари билан боғлиқдир.

Бошқа секторлардаги ташқи қарздорлик операциялари бўйича сальдо худди 2017 йилда бўлгани сингари 2018 йилда ҳам манфий бўлди. Шу икки даврдаги манфий сальдо нефтегаз соҳасидаги ташкилотлар томонидан олинган йирик кредитларни сўндириш муддати бошлангани билан изоҳланади. Бунда, 2018 йилдаги операцияларнинг манфий сальдоси 2017 йил билан солиштирганда кўпроқ бўлганлиги, 2017 йилнинг IV чорагида катта миқдордаги тушумлар тушгани билан боғлиқ. Аммо, 2018 йили бундай тушумлар кузатилмаган.

2018 йилда “Савдо кредитлари ва бўнак тўловлар” моддаси бўйича мажбуриятларнинг соф ортиши 2,6 млрд. долларни (2017 йилда 531 млн. долларни) ташкил этган. Бу ўсишнинг асосий сабаби ташқи савдо айланмасининг, хусусан импорт операцияларининг ортишидир. Шунингдек, қайд этиш лозимки, савдо кредитлари ва аҳоли қўлидаги хорижий валюта қолдиғининг ортиши қисман ўзаро компенсацияланади, яъни импорт қилинаётган товарлар тўловининг маълум бир қисми нақд хорижий валюта орқали амалга оширилади бўлиши мумкин.

“Кредитлар ва қарзлар” компоненти бўйича соф ўзгаришлар

(млн. долл.)



II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ


2018 йилда резидентларнинг активлари 1,4 млрд. долларга, уларнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари эса 3,6 млрд долларга ортди. Натижада, мамлакатнинг соф инвестицион позицияси 2,2 млрд. долларга қисқариб, 12 млрд. долларни ташкил этди. 2017-2018 йиллар учун соф инвестицион позиция ўзгаришининг таҳлили 2018 йилги инвестицион позиция қисқаришининг сабаби молия ҳисобининг манфий сальдоси билан шаклланганлиги ҳамда нооперацион ўзгаришлар² соф инвестицион позициясига ижобий таъсир қилишини кўрсатди.

Халқаро инвестицион позициянинг иқтисодийнинг секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, 2017-2018 йилларда давлат бошқарув ва банк секторлари “соф кредиторлар”, бошқа секторлар эса “соф қарздорлар” сифатида қолди (15-диаграмма).

15-диаграмма

Халқаро инвестицион позиция иқтисодийнинг секторлари бўйича

(млн. долл.)



² Нооперацион ўзгаришлар валюталар курслари, активлар нархлари ва бошқа ўзгаришлардан ташкил топган, бўлиб улар молиявий ҳисобда операциялар сифатида акс эттирилмайди.

Давлат бошқаруви сектори

Активлар

2018 йилда давлат бошқарув сектори активлари 996 млн. долларга қисқарди. Ушбу қисқариш олтин валюта захирасининг қисқариши натижасида содир бўлди. Шу билан бирга, монетар олтиннинг қайта баҳоланиши давлат бошқаруви секторининг инвестицион позициясига ижобий таъсир кўрсатди.

Мажбуриятлар

Давлат бошқарув секторининг мажбуриятлари давлатнинг ташқи қарзларидан иборатдир. 2018 йил мобайнида янги қарздорликларни жалб қилиниши эвазига, норезидентлар олдидаги мажбуриятлар 2,5 млрд. долларга ортди.

Банк сектори

Активлар

2019 йилнинг 1 январ ҳолатига тижорат банклари активларининг суммаси 2,9 млрд. доллардан 2,2 млрд. долларга қисқарди (776 млн. долларга камайиш). Ушбу камайишнинг сабаби импорт операциялари бўйича тўловлар ҳажмининг ўсиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан ташқи қарздорликнинг сўндирилиши натижасида банк кассалари ва ностро ҳисобварақаларида валюта ва депозитларнинг қисқаришидир.

Мажбуриятлар

2018 йил мобайнида банк секторининг мажбуриятлари 405 млн. долларга ошди, шундан 400 млн. доллари ташқи қарздорлик бўйича маблағларни жалб қилиниши эвазига ошди.


“Тўғридан-тўғри инвестициялар” компоненти бўйича банкларнинг устав капиталига тушган 22 млн. доллар миқдоридаги инвестициялар, 10 млн. доллар миқдорида даромадларнинг реинвестиция қилиниши ва операцияларга доир бўлмаган 18,5 млн. доллар суммадаги ўзгаришлар билан қопланди. Натижада, тўғридан-тўғри инвестициялар бўйича банкларнинг мажбуриятлари 6 млн. долларга қисқарди.

“Валюта ва депозитлар” компоненти бўйича операцияларга доир бўлмаган ўзгаришлар сальдоси ҳам салбий бўлиб, бу норезидентлар депозитлари бўйича мажбуриятларнинг сезиларсиз даражада ўсишига олиб келди. Шу билан бирга, инвестицияларнинг тўғридан-тўғридан инвестициялардан портфель инвестицияларга қайта классификация қилиниши эвазига портфель

инвестициялар бўйича мажбуриятларнинг ортиши кузатилди. Шундай қилиб, 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига банк секторининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларининг 75,5% хорижий молиявий муассасаларининг кредит ва қарзларига тўғри келади (16-диаграмма).

16-диаграмма

Банкларнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари



Бошқа секторлар

Активлар

Бошқа секторларнинг активлари 3,2 млрд. долларга, мажбуриятлари эса 666 млн. долларга ортди. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг бошқа секторларида активларнинг ўсиши мажбуриятларни ўсишидан кўпроқ бўлиб, соф инвестицион позициянинг яхшиланиши кузатилди.

Активлар ўсишининг асосий улуши (78%) “Валюта ва депозитлар” моддасига тўғри келиб, Ўзбекистон Республикасининг чет элда ишлаётган фуқаролари даромадларининг репатриация қилиниши (Ўзбекистонга ўтказилиши), шунингдек резидент юридик шахсларнинг чет элдаги ҳисобварақларига тушумлар эвазига 2,5 млрд. долларга ўсди. Бундан ташқари, норезидентлар томонидан тақдим қилинган савдо кредитлари ва бўнақларининг 703 млн. долларга ўсиши кузатилди.

Мажбуриятлар

“Савдо кредитлари ва бўнақлар” ҳамда “Портфел инвестициялар” компонентлари бўйича ўсиш кузатилган бўлиб, “Тўғридан - тўғри инвестициялар”

ҳамда “Кредитлар ва қарзлар” компонентлари бўйича эса норезидентлар олдидаги мажбуриятлар қисқаргани кузатилди.

Экспертлик баҳолашларга кўра савдо кредитлари бўйича (*кредитор қарздорлик*) мажбуриятларнинг ортиши 2,6 млрд. долларга тенгдир. Мажбуриятлар ўсишининг асосий сабаби ташқи савдо айланмасининг, хусусан импорт операцияларининг ўсишидир. Шунингдек, қайд этиш лозимки, савдо кредитлари ва аҳоли қўлидаги хорижий валюта қолдиғининг ортиши қисман ўзаро компенсацияланади, яъни импорт қилинаётган товарлар тўловининг маълум бир қисми нақд хорижий валюта орқали амалга ошириляётган бўлиши мумкин.

“Тўғридан-тўғри инвестициялар” компоненти бўйича МТБ доирасида хорижий инвесторлардан келиб тушган тушумлар 2018 йил учун хорижий инвестициялар деб баҳоланди ва тўғридан - тўғри инвестициялар сифатида қайд этилди. 2018 йил якунига тушум миқдори 674 млн. долларга³ тенгдир, шу билан бирга инвесторларга компенсацион тўловлар 1,0 млрд. долларни ташкил этди. Шундай қилиб, МТБ бўйича ишлайдиган корхоналар бўйича инвестицияларнинг соф камайиши 355,0 млн. долларни ташкил этди.

Номолиявий корхоналар бўйича, МТБ доирасида ишлайдиган корхоналар истисно қилганда, устав капиталга соф инвестициялар ўсиши 277,8 млн. долларни, даромадлар реинвестицияси эса 701,6 млн. долларни ташкил этди. Бунда, бош компанияларнинг қарз инструментлари сифатидаги инвестициялари 14,8 млн. долларга камайди. Номолиявий корхоналарга амалга оширилган инвестициялар ўсиши, МТБ доирасида ишлайдиганлар бундан мустасно, 979,4 млн. долларни ташкил этди.

Нобанк молия муассасалари бўйича, устав капиталига киритилган инвестицияларнинг соф ўсиши 0,7 млн. долларни ташкил этган бўлиб, даромадларни реинвестиция қилиш 0,7 млн. долларга ошди.

“Тўғридан-тўғри инвестициялар” хорижий бош компаниялардан олинган қарзларни ҳам ўз ичига олади. 2018 йилнинг IV чорагида Ўзбекистон Республикаси резиденти ва хорижий инвестор ўртасида хорижий инвесторнинг хорижий инвестиция корхонасидаги актив ва мажбуриятларини резидентга ўтказиш тўғрисида келишув амалга оширилди. Шундай қилиб, 445 млн. доллар миқдоридаги қарздорлик суммаси, чет элдаги бош компанияларнинг қарздорлигидан резидент компаниялар ўртасидаги қарздорликка қайта таснифланди ва резидентларнинг норезидентлар олдидаги мажбуриятларидан чиқариб юборилди.

³ Ушбу маблағлар МТБ бўйича операторнинг чет-элда очилаган мақсадли ҳисобрақамига келиб тушиди.

Шунингдек, ўтган даврлар учун маълумотларда кузатилган статистик хатолар билан боғлиқ бошқа, операцияларга доир бўлмаган, 1,2 млрд. долл. қийматидаги манфий ўзгаришлар ҳам рўй берди. Натижада, ўтган йилги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қолдиқлари 1,1 млрд. долларга камайиш томон тузатилди.

Портфель инвестицияларнинг ўсиши тўғридан-тўғри инвестицияларнинг портфель инвестицияларга қайта таснифланиши билан боғлиқ, операцияга доир бўлмаган ўзгаришлар ҳисобига таъминланди.

Ссудалар ва қарзлар бўйича мажбуриятларнинг камайиши хусусий секторнинг ташқи қарзи бўйича қарздорликни сўндириш муддатлари бошланиши билан боғлиқ.


III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ҚАРЗИ

Умумий ташқи қарз резидентларнинг норезидентлар олдидаги асосий қарз ва фоизларни тўлаш талаб қилинадиган мажбуриятларини акс эттиради. Умумий ташқи қарз давлат ва хусусий сектор қарзларини ўз ичига олади. Умумий ташқи қарз таҳлили шуни кўрсатдики, 2012-2015 йиллар давомида қарздорликнинг ўсиши ҳам давлат ҳам хусусий секторларда кузатилган. Аммо, 2016 йилдан бошлаб, хусусий сектор тамонидан қарзларнинг сўндирилиши уларнинг жалб қилинишидан устунлик қилган, ва баҳолашларга кўра бу динамика 2019 йил охирига қадар давом этади.

2018 йилда давлат сектори ташқи қарзларининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан ошгани кузатилиб, мавжуд маълумотлар асосида ўсиш суръатининг жорий тенденцияси келаси йилда ҳам сақланиб қолиши кутиляпти. Бу ҳолат давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун жалб қилинаётган янги қарздорликлар билан тушунтирилиши мумкин (17-диаграмма).

17-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг динамикавий қаторлари⁴
(млрд. долл.)



⁴2018 йилнинг бошида ташқи қарзни ҳисоблаш методологияси қайта кўриб чиқилган эди ва 2018 йилдан бошлаб ташқи қарз олишлар бўйича қарздорликнинг қолдиғини ҳисоблашда ҳисоблаб чиқилган, аммо тўланмаган фоизлар ҳам ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзининг умумий ҳажми 2018 йил бошидан 9,5%га ёки 1,5 млрд. долларга ошган ҳолда 2019 йил 1 январь ҳолатига 17,3 млрд. долларни ташкил қилди (4-жадвал).

4-жадвал

Умумий ташқи қарзининг тузилмаси ва ўзгариши⁵

(млн. долл.)

Иқтисодиёт сектори	Қуйидаги саналар ҳолатига кўра қарздорлик			Салмоғи	2018 йил учун ўзгариш
	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.		
Жами	14 623,6	15 785,9	17 295,0	100%	1 509,1
Давлат ташқи қарзи	6 474,9	7 600,0	10 086,4	58%	2 486,4
Хусусий ташқи қарз	8 148,7	8 185,9	7 208,6	42%	-977,3
<i>Бош компанияларидан</i>	<i>1 377,1</i>	<i>1 304,9</i>	<i>687,77</i>	<i>10%</i>	<i>-617,1</i>
Хусусий ташқи қарздаги секторларнинг улушлари					
Нефть, газ ва энергетика сектори	6 097,0	6 149,7	5 386,5	75%	-763,2
Телекоммуникация сектори	1 152,8	965,6	248,2	3%	-717,4
Банк сектори	450,2	584,0	978,2	14%	394,2
Тўқимачилик сектори	112,4	126,0	132,2	2%	6,2
Бошқа секторлар	336,4	360,6	463,4	6%	102,8

⁵Давлат ташқи қарзи давлат томонидан жалб қилинган қарз ва давлат кафолати остида олинган қарздан иборат. Хусусий ташқи қарз хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан давлат корхоналарининг, давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарздан иборат.

5-жадвалда жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзни таснифланиши келтирилмоқда.

5-жадвал

Жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзнинг таснифланиши ⁶
(2019 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра)

Қарзни жалб қилиш муддати	Қарздорлик суммаси (млн. долл.)	Салмоғи (%)
1 йилгача	143,7	0,8%
1 йилдан 5 йилгача	902,8	5,2%
5 йилдан 10 йилгача	923,1	5,3%
10 йилдан ортиқ	15 325,4	88,6%
ЖАМИ:	17 295,0	100 %

2018 йилда қарздорликнинг ўсиши давлат секторига тўғри келиб (2,5 млрд. доллар), хусусий сектор қарздорлиги 997,3 млн. долларга камайди. Шундай қилиб, янги қарздорликларнинг жалб қилиниши эвазига давлат ташқи қарзи ўсиш суръатини сақлаб қолди.

Қайд этиш лозимки, 2018 йили хусусий сектор томонидан умумий миқдорда 866,1 млн. доллар қарздорлик жалб қилинди. Қарздорликни жалб қилиш асосан банклар томонидан – 588,0 млн. доллар, нефтегаз ва энергетика сектори корхоналари томонидан – 76,0 млн. доллар, текстиль соҳасидаги корхоналар томонидан – 57,0 млн. доллар ва иқтисодиётнинг бошқа сектори корхоналари томонидан – 145,1 млн. доллар амалга оширилди. (18-диаграмма).




Шунингдек, кўрилаётган давр учун хусусий ташқи қарз бўйича 1,3 млрд. доллар миқдорда асосий қарз ва 366,6 млн. доллар миқдорда фоиз тўловлари амалга оширилди, давлат ташқи қарзлари бўйича эса мос равишда – 397,7 млн. доллар ва 151,3 млн. доллар тўланди.

⁶ Қарздорликни бирламчи сўндириш муддатидан келиб чиқиб таснифланган


Шу билан бирга, асосий қарз сўндирилишининг асосий қисми нефтегаз ва энергетика секторларига (862,2 млн. доллар), шунингдек банк секторига (192,8 млн. доллар) ва телекоммуникация секторига тўғри келади. Нефтегаз ва энергетика сектори корхоналари томонидан 296,7 млн. доллар миқдорда фоиз тўловлари амалга оширилган бўлса, банк сектори томонидан амалга оширилган фоиз тўловлари 42,6 млн. долларни ташкил этди (19,20-диаграммалар).

19-диаграмма
Иқтисодиёт секторлари кесимида асосий қарз бўйича тўловлар
(млн. долл.)



13.1-13.8 иловаларида хусусий секторнинг ташқи қарз тушумлари ва сўндиришлари тўғрисидаги маълумотлар, халқаро ҳисобот тизими талабларига мувофиқ кредиторлар ва қарз олувчилар қирқимида маълумотлар ва улар бўйича прогнозлар тақдим этилмоқда.

20-диаграмма
Иқтисодиёт секторлари кесимида фоизлар бўйича тўловлар
(млн. долл.)



2016 йил учун тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

млн. долл.

Моддалар	2016 йил				
	I чор.	II чор.	III чор.	IV чор.	йил
I. Жорий операциялар ҳисоби фарқи	-374,5	-277,1	246,3	700,5	295,2
Товарлар, кредит (экспорт)	1 682,6	1 837,4	2 169,9	2 955,3	8 645,2
Товарлар, дебет (импорт)	2 307,1	2 699,7	2 923,6	3 106,9	11 037,3
Товарлар сальдоси	-624,5	-862,3	-753,8	-151,6	-2 392,1
Хизматлар, кредит (экспорт)	451,3	434,4	499,9	519,2	1 904,7
Хизматлар, дебет (импорт)	767,2	891,9	952,4	832,3	3 443,7
Товарлар ва хизматлар сальдоси	-940,4	-1 319,7	-1 206,3	-464,7	-3 931,1
Бирламчи даромадлар, кредит	492,0	590,4	598,7	531,8	2 212,9
Бирламчи даромадлар, дебет	322,8	335,1	289,4	331,3	1 278,5
Товарлар, хизматлар ва бирламчи даромадлар сальдоси	-771,1	-1 064,4	-896,9	-264,2	-2 996,6
Иккиламчи даромадлар, кредит	492,5	897,9	1 257,3	1 079,5	3 727,2
Иккиламчи даромадлар, дебет	95,9	110,6	114,0	114,8	435,4
II. Капитал билан операциялар ҳисоби	2,5	5,6	3,0	2,5	13,6
Капитал билан операциялар ҳисоби, кредит	2,5	5,6	3,0	2,5	13,6
Капитал билан операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Капитал билан операциялар ҳисоб ва жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-372,0	-271,5	249,3	703,0	308,8
III. Молиявий ҳисоб (резервлардан ташқари)	-95,1	-936,0	1 101,7	-241,9	-171,3
Тўғридан-тўғри инвестициялар, активлар	0,6	1,1	2,5	1,5	5,8
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,5	1,9	0,9	3,3
Қарз инструментлари	0,6	0,6	0,6	0,6	2,5
Тўғридан-тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	301,6	363,9	253,1	744,0	1 662,6
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	256,7	233,4	238,6	400,8	1 129,5
Қарз инструментлари	44,8	130,5	14,5	343,2	533,1
Портфель инвестициялари, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялари,	0,6	0,3	0,6	0,5	2,0

мажбуриятлар					
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,6	0,3	0,6	0,5	2,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар, активлар	254,9	-208,0	1 793,5	1 033,8	2 874,2
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	254,9	-208,0	1 793,5	1 033,8	2 874,2
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	48,5	364,9	440,6	532,7	1 386,7
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	48,5	364,9	440,6	532,7	1 386,7
Жорий операциялар, капитал ва молиявий ҳисоб сальдоси	-276,9	664,4	-852,3	945,0	480,2
Резерв активлари	-70,4	18,5	353,0	251,3	552,4
Резерв активлари	-70,4	18,5	353,0	251,3	552,4
ХВФдан тоза қарз олиш (резерв позициясидан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Алоҳида молиялаштириш	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
IV. Хатолар ва йўқотишлар	206,6	-645,9	1 205,4	-693,7	72,3

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (РПБ 6) 6-нашрида белгиланган стандарт кўринишини қўллайди.

2017 йил учун тўлов баланси
(тахлилий кўриниши)

млн. долл.

Моддалар	2017 йил				
	I чор.	II чор.	III чор.	IV чор.	йил
I. Жорий операциялар ҳисоби фарқи	-279,9	82,3	1 250,2	427,3	1 479,9
Товарлар, кредит (экспорт)	1 727,7	2 371,5	3 392,1	2 670,2	10 161,5
Товарлар, дебет (импорт)	2 627,4	3 150,6	3 379,2	3 220,0	12 377,3
Товарлар сальдоси	-899,7	-779,1	12,8	-549,8	-2 215,8
Хизматлар, кредит (экспорт)	502,2	531,4	591,5	625,5	2 250,7
Хизматлар, дебет (импорт)	844,7	1 005,1	1 151,0	1 091,7	4 092,5
Товарлар ва хизматлар сальдоси	-1 242,2	-1 252,8	-546,7	-1 016,0	-4 057,6
Бирламчи даромадлар, кредит	549,1	690,7	720,2	638,8	2 598,8
Бирламчи даромадлар, дебет	296,3	328,6	349,1	410,3	1 384,2
Товарлар, хизматлар ва бирламчи даромадлар сальдоси	-989,4	-890,6	-175,5	-787,5	-2 843,0
Иккиламчи даромадлар, кредит	815,4	1 098,2	1 555,5	1 346,9	4 816,1
Иккиламчи даромадлар, дебет	105,9	125,3	129,8	132,1	493,1
II. Капитал билан операциялар ҳисоби	7,9	25,0	63,3	3,6	99,8
Капитал билан операциялар ҳисоби, кредит	7,9	25,0	63,3	4,3	100,4
Капитал билан операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0	0,6	0,6
Капитал билан операциялар ҳисоб ва жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-272,0	107,3	1 313,4	430,9	1 579,7
III. Молиявий ҳисоб (резервлардан ташқари)	126,5	-402,4	199,7	-111,7	-187,8
Тўғридан-тўғри инвестициялар, активлар	0,7	3,6	3,2	1,4	9,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,1	0,0	2,0	1,0	3,1
Қарз инструментлари	0,6	3,6	1,2	0,5	5,9
Тўғридан-тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	572,1	440,6	510,1	274,6	1 797,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	553,7	428,1	490,9	441,1	1 913,8
Қарз инструментлари	18,4	12,5	19,2	-166,6	-116,5
Портфель инвестициялари, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялари,	1,3	0,5	1,2	0,2	3,1

мажбуриятлар					
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	1,3	0,5	1,2	0,2	3,1
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар, активлар	1 019,6	426,5	1 048,0	1 049,2	3 543,3
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	1 019,6	1 019,6	426,5	1 048,0	3 513,7
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	320,3	391,5	340,2	887,6	1 939,7
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	320,3	320,3	391,5	340,2	1 372,4
Жорий операциялар, капитал ва молиявий ҳисоб сальдоси	-398,5	509,7	1 113,7	542,6	1 767,5
Резерв активлари	-355,9	-159,0	543,1	-284,2	-256,0
Резерв активлари	-355,9	-159,0	543,1	-284,2	-256,0
ХВФдан тоза қарз олиш (резерв позициясидан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Алоҳида молиялаштириш	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
IV. Хатолар ва йўқотишлар	42,6	-668,7	-570,6	-826,8	-2 023,5

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (РПБ 6) 6-наширида белгиланган стандарт кўринишини қўллайди.

2018 йил учун тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

млн. долл.

Моддалар	2018 йил				
	I чор.	II чор.	III чор.	IV чор.	йил
I. Жорий операциялар ҳисоби фарқи	-240,4	-1 374,9	-1 546,6	-414,9	-3 576,7
Товарлар, кредит (экспорт)	2 957,0	2 350,8	1 976,5	4 101,3	11 385,6
Товарлар, дебет (импорт)	3 727,9	4 519,7	4 488,9	5 516,0	18 252,4
Товарлар сальдоси	-770,9	-2 168,9	-2 512,4	-1 414,7	-6 866,9
Хизматлар, кредит (экспорт)	572,8	687,5	750,8	738,5	2 749,5
Хизматлар, дебет (импорт)	1 142,6	1 249,2	1 417,3	1 382,0	5 191,1
Товарлар ва хизматлар сальдоси	-1 340,7	-2 730,6	-3 178,9	-2 058,2	-9 308,4
Бирламчи даромадлар, кредит	685,1	829,9	871,2	795,0	3 181,2
Бирламчи даромадлар, дебет	385,6	484,8	481,6	306,1	1 658,1
Товарлар, хизматлар ва бирламчи даромадлар сальдоси	-1 041,2	-2 385,4	-2 789,4	-1 569,3	-7 785,3
Иккиламчи даромадлар, кредит	937,1	1 167,6	1 404,5	1 314,5	4 823,8
Иккиламчи даромадлар, дебет	136,3	157,0	161,8	160,1	615,2
II. Капитал билан операциялар ҳисоби	28,1	5,2	69,7	40,0	143,0
Капитал билан операциялар ҳисоби, кредит	28,8	6,0	70,9	40,0	145,7
Капитал билан операциялар ҳисоби, дебет	0,7	0,7	1,2	0,0	2,6
Капитал билан операциялар ҳисоб ва жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-212,2	-1 369,6	-1 476,9	-374,9	-3 433,7
III. Молиявий ҳисоб (резервлардан ташқари)	-219,6	-974,4	117,0	-1 732,6	-2 809,6
Тўғридан-тўғри инвестициялар, активлар	0,1	0,5	0,6	0,6	1,9
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,1	0,0	0,0	0,0	0,2
Қарз инструментлари	0,0	0,5	0,6	0,6	1,7
Тўғридан-тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	427,1	-1,7	127,8	71,2	624,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	403,0	68,2	98,3	69,2	638,7
Қарз инструментлари	24,1	-69,9	29,4	1,9	-14,4
Портфель инвестициялари, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялари,	1,2	2,8	5,6	3,4	13,0

мажбуриятлар					
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	1,2	2,8	5,6	3,4	13,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар, активлар	175,7	457,7	853,5	931,8	2 418,6
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	175,7	457,7	853,5	931,8	2 418,6
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	-32,9	1 431,6	603,8	2 590,4	4 592,8
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	-32,9	1 431,6	603,8	2 590,4	4 592,8
Жорий операциялар, капитал ва молиявий ҳисоб сальдоси	7,4	-395,2	-1 593,9	1 357,7	-624,1
Резерв активлари	384,5	-604,1	-1 352,1	7,9	-1 563,7
Резерв активлари	384,5	-604,1	-1 352,1	7,9	-1 563,7
ХВФдан тоза қарз олиш (резерв позициясидан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Алоҳида молиялаштириш	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
IV. Хатолар ва йўқотишлар	377,2	-208,8	241,8	-1 349,7	-939,6

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (РПБ 6) 6-наширида белгиланган стандарт кўринишини қўллайди.

2016 йил учун халқаро инвестицион позиция

млн. долл.

Кўрсаткичлар	2016 йил				
	IV чор. 2015й.	I чор. 2016й.	II чор. 2016й.	III чор. 2016й.	IV чор. 2016й.
Активлар	31 426,0	33 837,8	35 060,5	37 419,4	36 421,7
Тўғридан-тўғри инвестициялар	171,6	172,4	173,6	176,2	177,8
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	21,0	21,2	21,8	23,7	24,7
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	21,0	21,2	21,8	23,7	24,7
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	150,6	151,2	151,8	152,4	153,1
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	150,6	151,2	151,8	152,4	153,1
Портфель инвестициялари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз кимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	6 946,4	7 209,7	6 997,3	8 793,3	9 814,0
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	6 946,4	7 209,7	6 997,3	8 793,3	9 814,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1 882,3	1 976,9	2 037,3	2 009,2	2 535,1
Давлат бошқаруви сектори	5,0	4,8	4,9	4,7	4,6
Бошқа секторлар	5 059,0	5 228,0	4 955,1	6 779,4	7 274,2
Бошқа молиявий ташкилотлар	10,0	10,0	10,0	10,0	10,0
Резерв активлари	24 306,8	26 454,5	27 888,4	28 448,8	26 428,8
Монетар олтин	10 640,7	12 814,9	14 173,2	14 386,6	12 256,6
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	368,7	374,9	372,2	371,4	357,7
ХВФдаги резерв позицияси	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Бошқа резерв активлари	13 297,4	13 264,7	13 343,0	13 690,8	13 814,5
Мажбуриятлар	20 916,7	21 378,3	22 137,1	22 828,2	23 862,6
Тўғридан-тўғри инвестициялар	7 132,7	7 413,0	7 757,4	7 985,0	8 658,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	6 224,0	6 459,2	6 670,1	6 883,1	7 216,5
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	6 224,0	6 459,2	6 670,1	6 883,1	7 216,5
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	908,7	953,8	1 087,3	1 101,9	1 441,7
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	908,7	953,8	1 087,3	1 101,9	1 441,7
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялари	8,1	8,5	8,7	9,2	9,4
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	8,1	8,5	8,7	9,2	9,4
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	3,7	3,9	4,0	4,1	4,2
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	4,4	4,6	4,8	5,1	5,2
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	13 775,9	13 956,7	14 371,0	14 834,0	15 194,9
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (Мажбуриятларни тоза қабул қилиш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа қарз инструментлари	13 775,9	13 956,7	14 371,0	14 834,0	15 194,9
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	417,6	454,1	452,5	461,0	466,9
Давлат бошқаруви сектори	5 580,0	5 804,4	6 015,7	6 342,0	6 474,9
Бошқа секторлар	7 778,3	7 698,2	7 902,8	8 030,9	8 253,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Тоза халқаро инвестицион позиция	10 509,2	12 459,5	12 923,3	14 591,2	12 559,2

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (РПБ б) 6-наширида белгиланган стандарт кўринишни қўллайди.

2017 йил учун халқаро инвестицион позиция

млн. долл.

Кўрсаткичлар	2017 йил				
	IV чор. 2016й.	I чор. 2017й.	II чор. 2017й.	III чор. 2017й.	IV чор. 2017й.
Активлар	36 421,7	38 479,6	38 884,3	39 989,5	41 655,4
Тўғридан-тўғри инвестициялар	177,8	178,7	182,2	185,5	186,9
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	24,7	25,0	24,9	27,0	28,0
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	24,7	25,0	24,9	27,0	28,0
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	153,1	153,7	157,3	158,5	159,0
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	0,0	0,0	3,0	3,6	3,4
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	153,1	153,7	154,3	154,9	155,5
Портфель инвестициялари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарзд кимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	9 814,0	10 839,6	11 279,6	12 337,1	13 390,5
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	9 814,0	10 839,6	11 279,6	12 337,1	13 390,5
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	2 535,1	2 439,3	2 857,6	3 213,3	2 934,0
Давлат бошқаруви сектори	4,6	4,3	4,5	4,3	4,1
Бошқа секторлар	7 274,2	8 395,9	8 417,5	9 119,5	10 452,4
Бошқа молиявий ташкилотлар	10,0	10,0	10,0	10,0	10,0
Резерв активлари	26 428,8	27 460,1	27 421,2	27 465,8	28 076,9
Монетар олтин	12 256,6	13 592,9	13 687,3	13 130,0	14 034,1
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	357,7	361,0	370,2	376,0	378,9

ХВФдаги резерв позицияси	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа резерв активлари	13 814,5	13 506,2	13 363,8	13 959,7	13 663,9
Мажбуриятлар	23 862,6	24 822,3	25 601,8	26 221,9	27 489,5
Тўғридан-тўғри инвестициялар	8 658,3	9 210,2	9 601,8	9 814,0	10 042,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	7 216,5	7 720,8	8 098,8	8 286,1	8 739,5
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	7 216,5	7 720,8	8 098,8	8 286,1	8 739,5
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	1 441,7	1 489,4	1 503,0	1 527,9	1 302,5
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	1 441,7	1 489,4	1 503,0	1 527,9	1 230,0
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	72,5
Портфель инвестициялари	9,4	10,3	10,3	8,9	9,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	9,4	10,3	10,3	8,9	9,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	4,2	4,8	4,6	2,9	2,9
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	5,2	5,5	5,6	6,0	6,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,8	0,8	0,8	0,7	0,8
Қарзд кимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	15 194,9	15 601,8	15 989,7	16 399,0	17 438,5
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (Мажбуриятларни тоза қабул қилиш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа қарз инструментлари	15 194,9	15 601,8	15 989,7	16 399,0	17 438,5
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	466,9	492,8	512,1	578,3	701,5
Давлат бошқаруви сектори	6 474,9	6 814,3	6 993,2	7 273,8	7 600,0
Бошқа секторлар	8 253,1	8 294,6	8 484,5	8 546,9	9 136,9
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0	14,4
Тоза халқаро инвестицион позиция	12 559,2	13 657,3	13 282,5	13 767,6	14 166,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (РПБ б) 6-наширида белгиланган стандарт кўринишини қўллайди.

2018 йил учун халқаро инвестицион позиция

млн. долл.

Кўрсаткичлар	2018 йил				
	IV чор. 2017й.	I чор. 2018й.	II чор. 2018й.	III чор. 2018й.	IV чор. 2018й.
Активлар	41 655,4	42 262,7	41 862,9	41 463,5	43 057,9
Тўғридан-тўғри инвестициялар	186,9	187,1	187,4	188,8	189,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	28,0	28,2	27,9	28,7	28,7
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	28,0	28,2	27,9	28,7	28,7
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	159,0	159,0	159,5	160,0	160,7
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	3,4	2,8	2,7	2,7	2,7
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	155,5	156,1	156,8	157,4	158,0
Портфель инвестициялари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
